

AP 4482

РИПК УРХТВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Кўлёрзма ҳуқуқида

МУЛЛАХУЖАЕВА Каромат Тошхўжаевна

УДК 821.512.133 (092) Навоий +  
821.512.133 (093) «Бадоеъ ул-бидоя»

АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИЁТИДА ТАСАВВУФИЙ  
ТИМСОЛ ВА БАДИИЙ САНЪАТЛАР УЙҒУНЛИГИ  
(“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида)

10.01.03 – Миллий адабиёт тарихи (ўзбек адабиёти)

Филология фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент – 2005

Тадқиқот Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ўзбек классик адабиёти кафедрасида бажарилган

**Илмий раҳбар:** филология фанлари доктори, профессор  
**Н. Комилов**

**Расмий оппонентлар:** филология фанлари доктори, профессор  
**Ҳ. Болтабов**

филология фанлари номзоли  
**С. Рафиддинов**

**Ётақчи илмий муассаса:** Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи

Ҳимоя 2005 йил декабр ойининг 14 куни соат 14<sup>00</sup> да  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги  
04.01 рақамли фан доктори  
циялар ҳимояси буйича  
ди.  
минов кучаси, 9-уй.

Республикаси Фанлар  
диш мумкин.  
минов кучаси, 13-уй,

иг 2 куни тарқатилди.

4152

  
**М.ЖУРАЕВ**

## ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Бадиий асар, хусусан, ғазални мукаммал бир система сифатида олиб урганиш — бадиий тафаккур тараққийтини, образлар инкишофини ва, айти пайтда, шоирнинг бадиий-ирфоний оламини англаб етишда муҳим аҳамиятга эга. Шоир дунёқараши ва бадиий оламини англаш эса услуб, унинг таркибий қисмлари, жумладан, мазмуни, образ, бадиий санъатлар, композиция, бадиий метод ва бошқа унсурларга жиддий эътиборни талаб қилади. Бироқ шуни унутмаслик керакки, “шеърятнинг вазифаси, албатта, “приёмлар” (бадиий усуллар) эмас, балки дунёни англаш ва одамлар билан муомалада бўлиш, ўзликни англаш ва ижтимоий муомала жараёнида шахс сифатида ўз-ўзини яратиш ҳамдир. Пировардида, поэзиянинг мақсади умуман маданиятнинг мақсади билан мувофиқ тушади. Лекин бу мақсадни поэзия ўзига хос тарзда амалга оширади, бу ўзига хосликни, агар унинг механизмига, ички структурасига эътибор қилмасак, тушуниш мумкин эмас”<sup>1</sup>.

Ўзбек адабиётшунослигида Навоий ғазалиётини тадқиқ этиш буйича анчагина ютуқларга эришилган. Бироқ, бизнингча, Алишер Навоий ғазалларидаги тимсолларни бадиий санъатлар билан муносибликда урганишни янада чуқурлаштириш лозим. Зеро, Навоий ижоди, хусусан, ғазаллари бадиият, унинг унсурлари воситасида ҳар қандай маънони етказиш мумкинлигини исботлайди. Айти пайтда, Алишер Навоий дунёқарашининг Шарқ халқлари, жумладан, форс-тожик ҳамда туркий халқлар ижтимоий-маданий ва адабий ҳаётида кенг тарқалиб, чуқур илдиз отган тасаввуф фалсафасига бориб туташиши шоир ғазалларини урганишда уларнинг ботинига ҳам теранроқ назар ташлашга ундайди. Фақат образ — тимсол ёхуд қўлланилган бадиий санъатни эмас, балки рамзийликни ҳам эътибордан соқит қилмасликни, фақат зоҳирий мазмунни эмас, ички — ботиний мазмунни текширишни ҳам талаб этади. Чунки “поэтик олам — реал борлиқнинг модели, бироқ у ушбу олам билан фавқулудда мураккаб тарзда боғланган. Поэтик матн ҳақиқатни излаш, атроф-оламни тушунтириш, шарҳлаш ва унинг паст-баландидан яхши хабардор бўлишнинг жуда кучли диалектик механизми”<sup>2</sup>. Шу боис Алишер Навоий ғазалларини ҳамд ва наът, орифона, ошиқона ғазаллар сифатида муайян гуруҳларга ажратиб, уларнинг ҳар бирига хос бўлган тимсол ва тушунчалар, аниқроғи, тасаввуфий тимсолларни бадиий санъатлар уйғунлигида урганиб, ғазалларнинг маъно оламини очиш мавзунинг долзарблигини белгилайди. Айти пайтда Навоий бадиий оламига янада чуқурроқ кириб боришга, эстетик завқ манбаларини теранроқ англашга имкон яратади. Зеро, “Инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Структура стиха. — Л.: Просвещение, 1972. — С.131.

<sup>2</sup> Ушба асар, 131-бет.

<sup>3</sup> Президент И.А.Каримовнинг Навоий шаҳрида Навоий ёдгорлик мажмуасининг очилишига бағишланган таътилари маросимида сўзлаган нутқи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. — 2001. — 21 апр.

**Мавзунинг ўрганилиш даражаси.** Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ муаммоларга бағишланган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари мавжуд. Фанда навоийшунослик деб номланган махсус йўналиш пайдо бўлишининг ўзиёқ бу соҳадаги изланишлар салмогини кўрсатади.

Шу кунгача навоийшуносларнинг икки-уч авлоди етишиб чиқди. Абдурауф Фитрат, Е.Э.Бертельс, О.Шарафиддинов, С.Айний, А.Саъдий, Ойбек, М.Шайхзода, Ҳ.Сулаймон, В.Зоҳидов, Иззат Султон, В.Абдуллаев, Н.Маллаев, Э.Рустамов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, А.Рустамов, Б.Валихўжаев каби улкан сиймоларнинг меҳнатлари самараларисиз навоийшуносликни тасаввур этиб бўлмайди. Кейинроқ навоийшунослик майдонига кириб келган Ё.Исҳоқов, А.Абдуғафуров, С.Ғаниева, Э.Шодиев, М.Ҳакимов, Р.Воҳидов, Б.Ақрамов каби олимларимиз шоир ижодиётини янада чуқурроқ ўрганишга, янги-янги қирраларини кашф этишга интилдилар. Бугунги навоийшунослар олдида анча кенг имкониятлар пайдо бўлганлиги учун ҳам шоир ижодининг кам ўрганилган муҳим жиҳатларига эътибор қаратилмоқда. Навоий ижодини, хусусан, шеърини зоҳирий ва ботиний маънолар уйғунлигида, зарур бўлганда, сўфиёна мазмунига таяниб тадқиқ қилиш борасида Н.Комилёв, И.Ҳаққулов, С.Олим, А.Абдуқодиров, Ҳ.Болтабоев<sup>1</sup> ва бошқа олимларнинг<sup>2</sup> фикр-мулоҳазалари эътиборга лойиқ. Навоийшунослигимизда ушбу муаммо махсус ўрганилмаган бўлса-да, бир қанча мақола ва рисолаларда бу масалага тўхтаб ўтилган. Жумладан, адабиётшунос олима Дилором Салоҳий ўз тадқиқотларида “Бадоеъ ул-бидоя” девонига махсус тўхтаган.<sup>3</sup> Бироқ бу ишларда биз тадқиқ этган муаммо махсус ўрганилган эмас. Алишер Навоий ғазалларини мутаносиб тарзда, зоҳирий ва ботиний маънолар уйғунлигида, бадий санъатлар билан таносубиятда ўрганиш муаммоси бугунги навоийшуносликда асосий ўрин тутса ҳам, бу ҳали алоҳида тадқиқот объекти бўлган эмас.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Ушбу тадқиқот ишимизда Навоий ғазалиётдаги тимсолларни, аниқроғи, сўфиёна тимсолларни “Бадоеъ ул-бидоя” девони мисолида изчил, бир бошдан ўрганиб чиқишни, айниқса, ғазалшуносликда кам ўрганилган пейзаж элементларининг тасаввуфга боғлиқ жиҳатларини бадий санъатлар билан мутаносибликда ўрганишни ўз олдимизга мақсад қилиб олдик. Шунинг учун куйидаги вазифалар кўйилди:

- ҳамд, муножот ғазаллари, уларнинг Навоий ижоди, дунёқараши ва бадий оламини ўрганишда тутган ўрнини аниқлаш;
- ҳамд ғазаллари, уларнинг бир томондан, ислом илми билан, иккинчи томондан, сўфиёна қарашларга мувофиқ келишини кўрсатиб бериш;
- ҳамд, муножот ғазалларида қўлланилган сўфиёна тимсол ва истилоҳларнинг вазифаси, уларнинг бадий санъатлар билан таносубини ўрганиш;
- ушбу туркум ғазалларда қўлланилган *куёи, зарра, сул, булбул, шамъ, парвона* каби тимсолларнинг сўфиёна мазмунини аниқлаш;

<sup>1</sup> Қаранг: Комилёв Н. Тасавуф (Биринчи китоб). – Тошкент: Ёзувчи, 1996; И. Ҳаққулов. Тасавуф ва исбрийат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991; А. Абдуқодиров. Навоий ва тасавуф. – Хужанд: 1997; С.Олим. Ишқ, ошиқ ва машуқ. – Тошкент: Фан, 1992; Ҳ. Болтабоев. Мумтоз суз қадри. – Тошкент: Адилят, 2004.

<sup>2</sup> Қаранг: Гаффорова З. Навоийнинг ҳамд ва наъв ғазаллари. – Тошкент: Мавнавият, 2001; Бекова Н. Рух ул-қудс ва Навоийнинг ҳамд ғазаллари. Филология фанлари номзодини дисс. – Тошкент, 2003.

<sup>3</sup> Қаранг: Салоҳиддинова Д. “Бадоеъ ул-бидоя” девони ва бадий санъаткорлик масалалари. Филология фанлари номзодини дисс. – Самарқанд, 1993; Д. Салоҳий. “Бадоеъ ул-бидоя” матоҳати. – Тошкент: Фан, 2004.

— наът ва меърож мавзуидаги ғазалларнинг шоир дунёқарашидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаш; бу туркум ғазалларда сўфиёна тимсоллар ва уларнинг бадиий санъатлар билан таносубини урганиб чиқиш;

— Навоий ижодида орифона ғазаллар ва уларнинг шоир сўфиёна қарашларини ифодалашдаги ўрнини урганиш;

— тасаввуфнинг назарий томони билан боғлиқ орифона ғазаллар ва бадиий-орифона ғазаллар, уларда қўлланилган тимсолларнинг сўфиёна моҳиятини тадқиқ этиш;

— орифона ғазалларда кенг қўлланилган тимсоллар ва бадиий санъатларнинг аҳамиятини белгилаш;

— табиат лирикаси билан уйғун ошиқона ғазаллардаги сўфиёна тимсолларни аниқлаш;

— *гул, булбул, қуёш, зарра, баҳор, куз, хазон, қиш, бог, сабо, субҳ (тонг)* каби тимсолларнинг сўфиёна мазмунини бадиий санъат ва тасвир воситалари билан уйғунликда урганиш.

**Тадқиқотнинг манбалари.** Диссертация ишини ёзишда Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи қўлғезмалар фондида сақланаётган шоирнинг “Бадоеъ ул-бидоя” девони (инв. № 216, ҳиж. 891 – мил. 1486) Ҳирот шаҳрида котиб Али бини Нур томонидан кўчирилган), йиғирма томлик мукамал асарлар тўпламининг биринчи жилди (Тошкент: Фан, 1987.) асосий манба сифатида олинди. “Ҳазойин ул-маоний” куллиёти ва шоирнинг бошқа асарларига ҳам мурожаат этилди. Тадқиқотнинг бир жиҳати сўфиёна тимсоллар билан боғлиқ бўлгани боис тасаввуф луғатлари, жумладан, Саййид Жаъфар Сажжодийнинг “Ирфоний истилоҳлар ва таъбирлар луғати”<sup>1</sup>, Е.Э.Бертельс нашрга тайёрлаган муаллифи номаълум “Миръот ул-ушшоқ”<sup>2</sup> асари ва Сулаймон Улудогънинг “Тасаввуф терминлари луғати”<sup>3</sup> ва бошқа манбаларга суяндик.

**Ишнинг илмий-назарий янгиллиги.** Алишер Навоийнинг образ яратишда бадиий санъатлардан фойдаланиш маҳоратининг бир қанча жиҳатлари олимларимиз томонидан ўрганилган. Бироқ ушбу тадқиқот ғазаллардаги тасаввуфий тимсолларни бадиий санъатлар билан мутаносибликда биринчи марта махсус ўрганилаётганлиги жиҳатидан эътиборга лойиқ.

Диссертацияда ҳамд ва наът ғазаллардаги тимсоллар, уларнинг диний-сўфиёна моҳияти, бадиий хусусиятлари, айнан шу туркум ғазаллардаги маънони ифодалашда кенг қўлланилган *тазод, таносуб, ташбеҳ, иштиқоқ, ташхис* ва бошқа санъатларнинг ўрни, аҳамияти, ўзаро боғлиқлиги масалалари ўрганилди. Ҳамд ғазаллардаги *қуёш, зарра, баҳр, мавж, гул, булбул, нарвона, шамъ* каби тимсоллар дунёни Мутлақ

<sup>1</sup> Саййид Жаъфар Сажжодий. Фарҳанги истилоҳот ва таъбириги орифон. – Техрон, 1370 ҳижрий.

<sup>2</sup> Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С. 126 – 178.

<sup>3</sup> Süleyman Uludağ. Tasavvuf terimleri sözlüğü. – İstanbul, 1995.

вужуд тажаллисининг инъикоси сифатида идрок этишнинг бадий-фалсафий натижаси эканлиги аниқланди. Наът ғазаллар, айниқса, меърож мавзуидаги ғазаллар ҳақ жамолига — комилликка интилаётган солиқ учун ибрат эканлиги ва бу туркум ғазалларда тунги само манзараси ифодасининг кенг ўрин тутиши меърож воқеаси билан боғлиқлиги маълум бўлди.

Инсон, унинг камолоти тарғиб этилган орифона ғазаллар ифодалаётган мазмун бир томондан, ижтимоий маърифат, яъни инсоннинг жамиятдаги камолоти билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ўзлигини англаб, нафсоний истакларидан воз кечиб бораётган солиқ қалби орзуларининг бадий ифодаси эканлиги ойдинлашди. Моддий борлиқнинг ҳеч нарсага арзимаслиги, ҳар қандай ҳодисанинг моҳиятан тенглиги, комилликка интилиш зарурати ва шу каби тасаввуфнинг назарий томонига оид масалалар асосий ўрин тутган орифона ғазалларда панд-насихат, ўзгага мурожаат усулининг, шу туркумга хос бўлган *иншо*, *тазод*, *тамсил ва ташбеҳ* санъатларининг кенг қўлланилиши аниқланди.

Навоийнинг табиат манзараси — пейзаж тасвирига асосланган ошиқона ғазалларининг махсус ўрганилиши ишнинг муҳим янгиликларидан бири сифатида баҳоланишга лойиқ. Табиат ашёларининг шоир шеъриятида тутган ўрини ошиқона ғазаллар мисолида ўрганиш натижасида уларнинг зулмаънайлик хусусияти аниқланди, рамзийликка оидлик даражаси белгиланди. Айнан мана шу туркум ғазаллардаги ирфоний маъно-мазмун бадий маҳорат масалалари билан уйғунликда ўрганилдики, бу навоийшуносликка янгилик бўлиб қўшилади.

**Тадқиқотнинг илмий, назарий ва амалий аҳамияти.** Диссертация Навоий лирикасида сўфиёна тимсолларнинг қўлланилиши, уларнинг бадий санъатлар билан таносубини аниқлашга бағишланганлигига кўра муҳим аҳамиятга эга. Алишер Навоий лирикаси ҳам фалсафий теранлиги, ҳам бадий-тасвирий жозибadorлиги билан ажралиб туради. Ишда ана шу икки жиҳатнинг уйғунлиги очиб берилди. Навоий ижодида хос орифона ғоялар кўлами, ҳар бир ғазалда бу ғояларнинг алоҳида тасвирий воситалар, санъатлар билан жиҳоланиши текширилди. Бундан ташқари, алоҳида орифона ғазаллар байтларининг бир-бирини бойитиб келиши, вобасталиги, санъат-тимсоллар ёки тимсол-ташбеҳлар қаторининг давомийлигидан ҳосил бўлган бадий-ғоявий манзара ва бунинг ўқувчига таъсири масалалари ёритилди. Ушбу тадқиқот шу жиҳати билан Навоий ғазалиётининг нафосатини янада ёрқинроқ очишга ёрдам беради, Навоий дунёқараши моҳиятига чуқурроқ кириб боришга кўмаклашади, деб уйлаймиз.

Муаллифнинг илмий хулосалари ва тадқиқот материалларидан Навоий ғазалларининг сўфиёна мазмунини англаш, уларни шарҳлаб-ўрганиш, олий ўқув юртларининг филология факультетлари талабалари, махсус ва умумтаълим ўрта мактаблари учун дарсликлар, қўлланмалар яратишда, Навоийнинг фалсафий, бадий-эстетик қарашларини тарғиб этишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг методологик асосини** Шарқ мутафаккирларининг адабий-эстетик қарашлари, адабиётшунос ва шарқшуносларимизнинг илмий, назарий характердаги асарлари ташкил этади. Адабий-қийсий таҳлил усулидан фойдаланиб, Навоий ғазалларига хос суфиёна тимсоллар ва уларнинг бадиий-тасвирий шаклларини тадқиқ этиш йулидан борилди.

**Тадқиқотнинг жорий қилиниши.** Диссертация Низомий номидаги ТДПУ Ўзбек классик адабиёти кафедрасида, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Мумтоз адабиёт бўлимида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. Тадқиқот иши Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ Ўзбек филологияси факультети ҳузурида ташкил этилган илмий семинар йиғилишида муҳокама қилиниб, тугалланган илмий-тадқиқот сифатида ҳимояга тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот асосий мазмунини ифода этувчи ўндан ортиқ мақола илмий тўпламларда, «Филология масалалари», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Ёшлик» журналлари ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёзувчи» газеталарида эълон қилинган; Низомий номидаги ТДПУ профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий конференцияларида 1991 йилдан буён ушбу мавзу бўйича маърузалар ўқилган.

**Диссертациянинг таркибий тузилиши.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Ҳажми 148 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “Кириш” қисмида мавзунинг долзарблиги, масаланинг урганилиш даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, манбалари, илмий-назарий ва методологик асослари, мақсад ва вазибалари ҳамда унинг тузилиши, жорийланиши, назарий ва амалий аҳамияти ҳақида маълумот берилган.

Биринчи боб “**Ҳамд ва наът ғазалларда маъно, тимсол ва бадиий санъатлар таносуби**” деб номланган. Унда Алишер Навоийнинг ҳамд, муножот, наът, меърож мавзуидаги ғазалларида маъно ва бадиий унсурларнинг таносуби масаласи ҳақида фикр юритилади.

“Бадоеъ ул-бидоя” девони Шарқда кенг тарқалган китоб тузиш анъанасига мувофиқ ҳамд ва наътлар билан бошланган. Мазкур бобда айтиладиган фикр-мулоҳазаларга девондаги ҳамд ва муножот йулида битилган 1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 45-, 121-, 271-, 620-, 680-ғазаллар асос булди. Ушбу ғазалларга шоирнинг Оллоҳ, одам ва одам, уларнинг муносабатлари ҳақидаги диний-суфиёна билим, қараш ва тасаввурларининг маъзи сингдирилган. Навоий бу туркум ғазалларда ислом ва тасаввуфга оид фалсафий қарашларини умумлаштиради.

“Новаторликнинг ҳар доим ҳам янгилик кашф этиш эмаслиги, балки у анъанага алоҳида эътибор билан қараш ва, айни пайтда, хотирада уни

тиклаш ҳамда у билан Ухшаш бўлмаслик”<sup>1</sup> эканлиги ҳамд ғазалларида очиқ кўринади. Чунки Алишер Навоийгача бу анъана форс-тожик адабиётида, қисман ўзбек адабиётида ҳам шаклланиб улгурган эди. Шоир айнан ана шу анъанани янгиликлар билан бойитди. Ўз идеалини ана шу мавзу замирига сингдирди.

Ҳамд ва муножотлар мавзуи, ифода усули ва образлари билан бирига жуда яқин. Уларнинг ҳар бирида илоҳий муҳаббат бетакрор маҳорат билан ифодаланган. Буни поэтик маънони етказишда образлар ва бадий санъатларнинг қўлланилиш даражасини аниқлаш орқали ўрганиш мумкин. Ҳамдлардаги поэтик услубнинг асосий компонентлари ҳисобланган маъно, тимсол ва бадий санъатларни уйғунликда ўрганиш шоир дунёқараши, илгари сурган ғоялари, фалсафий фикр-мулоҳазаларини англаб етишда ўзига хос бир йўл. Чунки “бадий санъатларни танлаб олиш ва қўллаш, улар қанчалик мураккаб ва жозибадор бўлмасин, ҳамиша ҳеч бир истисносиз байтда айтилиши лозим бўлган мазмунни муносиб даражада ифодалаш учун восита бўлади. Образ яратишнинг ўзи мақсад бўлолмайди”<sup>2</sup>.

“Бадоеъ ул-бидоя” девони “Ашрақат мин акси шамсил каъси анворул худо...” матлаъли ғазал билан бошланади. Бу ғазал фақат ҳамд ғазали эмас, балки шоир диний-сўфиёна қарашларини бадий-фалсафий теран умумлаштирилган, илоҳий муҳаббат, илоҳий соғинч туйғусини мукамал акс эттирилган асардир. Ғазалда илоҳиётга оид фикр-қарашлар *май, соқий, жом* каби бадий тимсол ва тушунчалар ёрдамида мажоз йўли орқали ифодаланади. Академик А.Рустамов ушбу ғазални “Ҳазойин ул-маоний” куллиётини очувчи – Фотиҳа ғазал деб баҳолайди.<sup>3</sup>

Ушбу ғазал Навоий ҳамдларини, орифона ва ошиқона ғазалларини ўрганишда муҳим очқич бўлиши мумкин, чунки байтдаги *ёр, қуёш, май, жом* каби тимсол ва тушунчалар моҳияти ғазалнинг ўзидаёқ ойдинлашиб улгурган.

*Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо,  
Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқти садо (1).*

Яъни: “қуёш кулчаси(косаси)нинг аксидан ҳидоят нурлари порлаб чиқди<sup>4</sup>, ёр акси(жамоли)ни майда кўр, деган садо келди”.

Бу мазмундаги ғазалларнинг яратилишига, албатта, дунёнинг ўзига хос бадий-орифона идрок этилиши сабаб бўлган. Зеро, Навоий ҳам, унинг салафлари ҳам дунёни Оллоҳ гўзаллигининг зухуроти ва бу зухуротни фақат ишқ воситасида кўра олиш мумкин, деган қарашга асосланганлар. Ишқ ва май хусусиятларининг бир-бирига жуда яқинлиги эса кўплаб шоирларнинг эътиборини тортган.

Агар биринчи ғазалда холиқ ҳамди, у зотга муҳаббат *май, соқий, жом* сингари рамзий тимсолу тушунчалар воситасида ифодаланган бўлса,

<sup>1</sup> Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. Структура стиха. – Л.: Просвещение, 1972. – С. 130.

<sup>2</sup> Стеблева И.В. Семантика газелей Бабура. М.: – Наука, 1982. – С.38.

<sup>3</sup> Қаран: Алийбек Рустамий. Адиблар одобилан адаблар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – 54-бет.

<sup>4</sup> Алишер Навоий асарлари тилинипг изоҳли дурати. IV жилд. – Тошкент: Фан, 1995. – 252-бет.



кейинги, иккинчи газал бевосита тажалли назарияси гояларини, яъни мавжуд олам, ундаги ашёларнинг жами ҳақнинг зуҳури, деган қарашни узид мавжудлаштиради:

*Зиҳе хуснунг зуҳуридин тушиб ҳар кимга бир савдо,  
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз гавго (2).*

Байтнинг маъносини очишда муҳим бўлган “савдо” мафҳуми тасаввуф луғатларида илоҳий жазба, илоҳий ишқ<sup>1</sup> деган маъноларни англатади, дейилган.

Дунё, ундаги мавжуд нарсалар Оллоҳнинг зуҳури, унинг кўзгудаги акси, деб тушунтирилади тасаввуф фалсафасида. Демак, байтга кўра, шу дунёда яшаётган кишиларнинг бошига ана шу зуҳуротнинг узига – мосиволлоҳга берилиш оқибатида шундай ташвишлар тушганки, унинг жавобини берадиган қиёмат куни кавнайн бозори – маҳшаргоҳда гавго-туполонлар кўтарилди. Зоҳирбинлик, дунё ҳою ҳавасларига берилиш оқибатида амалга оширилган ишлар *савдо* мафҳумининг ана шу мазмуни орқали ифодаланаётгандек. Бироқ “*савдо*”нинг суфиёна талқинига эътибор қилсак, мосиволлоҳга эмас, балки Оллоҳга бўлган ишқнинг савдоси ҳақида сўз бораётгани англашилади. Байтдан шу нарса аён бўладики, бу дунёда илоҳий ишқ оташида ёнаётганлар у дунёда (қиёмат кунида) ҳам шу истак билан куйиб-уртанадилар. Ушбу байтда, ва умуман, шоирнинг ҳамд газалларида фалсафий-суфиёна ва диний фикр-қарашларнинг гузал таносубини кўриш мумкин. Шунингдек, байтда бир неча – *тажнис* (аввалги мисрада савдо-ташвиш, кейингисиди олди-сотди маъносиди), *ийҳом* (савдо), *таносуб* (бозор манзарасининг ифодаланиши), *такрир* каби бадий санъатлар қўлланилганки, улар орқали шоир-ошиқнинг аҳволи ва унинг мамдуҳи ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бу туркум газаллардаги Оллоҳга ҳамду санолар Куръони Карим оятларига ҳамоҳанг.

Шоир ҳақиқатни англаб борар экан, борлиқ, инсон умрининг ўткинчилиги, умрнинг бебақолиги сингари масалаларни янада чуқурроқ ҳис қила бошлайди, ташбеҳу тимсолларни ана шулар билан боғлайди. “Метафоризм, яъни мажозийлик, – деб ёзган эди машҳур шоир Борис Пастернак, – инсон умрининг қисқалиги ва у мўлжаллаган вазифалар улканлигининг табиий оқибатидир. Бундай номувофиқлик шароитида у нарсасизларга бургутдек ўткир нигоҳ билан назар ташлашга, лаҳзадаги фикрини бирданга тушунарли ифодалашга мажбур. Худди мана шу шеърятдир. Метафоризм – катта шахснинг стенографияси, руҳнинг содда битиклари”<sup>2</sup>.

Ҳамд газалларда Оллоҳга муҳаббат бир томондан, шоирнинг эътиқоди билан, иккинчи томондан тасаввуф фалсафаси гояларидаги орзулар билан тутатиб кетган.

Ваҳдати вужуд фалсафий таълимотининг асосчиси Ибн Арабий фикрича, коинот илоҳий севги ва зотий ишқнинг зарурати сифатида

<sup>1</sup> Sulceman Uludag. Tasavvuf terimleri sozlugu. – Istanbul, 1995. – 465-бет.

<sup>2</sup> Пастернак Б. Об искусстве. – М.: Искусство, 1990. – С.176.

шаҳси аниқ борлиқлар ҳолида зот жиҳатдан ягона борлиқ булган Оллоҳнинг тажаллисидан бошқа нарса эмас.<sup>1</sup>

Яратилган нарса(вужуд)ларда яратганнинг вужуди акс этаётганини хушнудлик билан эътироф этган шоир шундай ёзади:

*Зиҳе камол ила кавнайн нақшига наққош,*

*Мукавванот вужудин вужудунг айлаб фош (271).*

Сўзнинг шаклий томонлари билан боғлиқ *иштиқоқ* (нақшига-наққош, кавнайн-мукавванот), *такрир* (вужудин, вужудунг) каби санъатларни қўллаб, шоир оламнинг, аниқроғи, икки оламнинг яратилиш сабаблари ҳақида баҳс юритади.

Бу туркум ғазалларда *талмех* санъати ҳам эътирофга лойиқ. Шоир ўз уй-кечинмаларининг бадий қувватини таъминлаш мақсадида бадий-суфиёна тимсоллар қаторига афсонавий *Мажнун ва Лайли, Фарҳод ва Ширин, Волиқ ва Узролар*ни қўшади. Жумладан:

*Не ишга булди беором кўзгу аксидек Мажнун,*

*Юзи кўзгусида аксингни кўргузмади Лайло (2).*

Лайли, Ширин гузаллигининг сири уларда илоҳий гузаллик ҳам зухур этганлигида. Уларнинг ошиқлари Мажнун ва Фарҳод ана шу гузалликни кўра олган, Ҳақ йўлини ана шу гузалликни англашдан, унга етишга интилишдан бошлаган мажзуб ва солиқлардир. Демак, *талмех*нинг бу туркум ғазаллардаги вазифаси, яъни ушбу байтдаги афсонавий тимсоллар мазмуни шоирнинг бошқа туркум ғазалларда ифодалаган мазмундан фарқ қилади.

Диссертацияда ҳамд ғазаллардаги *қуёш, зарра, гул, булбул, гулзор* каби тимсоллар асосан, Ҳақнинг қудрати, гузаллиги ва бошқа кўп рақ сифатларини ва, айна пайтда, ошиқнинг Ҳаққа бўлган муҳаббатини рамзий йўл билан ифодалашга имкон берган муҳим поэтик воситалар эканлиги тадқиқ этилган.

Ошиқлик ва маъшуқлик, Ҳақ ва банда ўртасидаги муносабатлар ўз-ўзидан уларга мувофиқ *қуёш-зарра, гул-булбул, шам-парвона, Лайли-Мажнун* сингари образлар жуфтлигини тақозо этади. Бу энди ўз-ўзидан *ташбех, талмех, тазод* сингари бадий санъатларнинг қўлланилишига олиб келади.

Ҳамд ғазалларидаги *тазод* зоҳиран зид тушунчаларни ифодалагандек кўринса-да, аслида моҳиятнинг ҳодисадаги, бутуннинг қисмдаги кўринишини ифодалашда қўл келади.

Жуфтликда қўлланилган *гул ва булбул* тимсоллари кўпинча, фақат шу туркум ғазалларгагина хос маъно-мазмун касб этган. *Гул* Оллоҳ гузаллигини намойиш этиш учун бир кўзгу булса, *булбул* ана шу гузаллик шайдоси, жумладан:

*Зиҳи ҳар лаҳни булбул савтининг зотингга исботи,*

*Жаҳон боғида ҳар гул яфроғи хуснунгга миръоти (680).*

“Не хушким, жаҳон боғидаги ҳар бир гул яфроғи сенинг гузал

<sup>1</sup> Қарағ: Усмои Турар. Тасаввуф тарихи. – Тошкент: Истиқлол, 1999. – 48-бет.

хуснинг учун кўзгу ва булбулнинг шу гул ишқида куйлаши сенинг борлигининг исботи (аниқроғи, булбулни ўзига ром айлаб, куйлатган — сенинг тажаллинг)”, деган шоир бошқа байт ва ғазалларида бу манзара-ҳолагни янада бўрттириб ифодалашга муваффақ бўлади.

Ҳамд ғазалларда кенг қўлланилган тимсоллардан бири — *Қуёш*. *Қуёш* тимсоли *хуриш*, *меҳр*, *офтоб* сингари маънодош атамалар билан ғазалларда тез-тез учраб туради. Тасаввуфга оид луғатларда *қуёш* — бирламчи манбадан нишона ёки буюк илоҳий қудратнинг инъикоси сифатида изоҳланади.

*Вужудунг айлади кавну макон вужудин фоиш,  
Ҳамул сифатки қилди қуёш заррани машҳур.<sup>1</sup>*

Байтдаги: “Қуёш заррани қанчалар машҳур этган бўлса, Сен дунё — борлиқ мавжудотларини шу даражага кўтардинг, аниқроғи, бу борлиқ — макон сенинг зуҳурингдан пайдо бўлган”, деган фикрни шоир *ташбеҳ* (биринчи мисра ва иккинчи мисра орасида), *тазод* (қуёш ва зарра) ҳамда *такрир* (*вужудунг*, *вужудин*) ва бошқа санъатлардан фойдаланиб ифодалайди. Оллоҳ туфайли бу олам мавжуд. Бу фикрнинг ақлимиз сиздириши мумкин бўлган қуёшга қиёслаб ифодалаган Навоий, бошқа бир байтда уни шундай шарҳлайди:

*Вужудунг айлади мавжуд улусниким, бўлмас  
Вужуд заррага мавжуд бўлмагунча қуёш (271).*

Яъни: Сенинг вужудинг ўз зуҳури билан улусни — мавжудотларни вужудга келтирди — яратди. Ахир қуёш бўлмаса, зарра ҳам мавжуд бўлмайди. *Тазод*(*қуёш ва зарра*), *такрир*(*вужуд*), *иштиқоқ*(*вужуд, мавжуд*) ва бошқа санъатларни қўллаб, шоир: “Бу оламнинг борлиги (мавжудлиги) — Сенинг борлигининг исботи”, деган хулосага келади.

Қуриб чиқилган мисолларга асосланиб ҳамд, муножот ғазалларида *тазод*, *иштиқоқ*, *такрир*, *тҷносуб* каби санъатларнинг бирмунча фаол қўлланилганини сезиш мумкин. Тазоднинг қўлланилишига шуни қўшимча қилиш мумкинки, бу туркум ғазалларда Оллоҳнинг сифатлари (меҳри, қаҳри, раҳми, жабри, қудрати, лутфи ва бошқалар) мадҳ этилган, бу сифатлар эса баъзан бир-бирига зид маъноларга эга.

“Бадоеъ ул-бидоя” девонидаги ғазалларнинг муайян қисмини, яъни 6-, 7-, 8-, 53-, 90-, 101-, 272-, 329-, 344-, 621-ғазалларни наътлар ташкил этади. Бу туркум ғазалларни икки гуруҳга: васф наътлар ҳамда меърож мавзӯидаги ғазалларга ажратиш ўрганиш мумкин. Ушбу шеърларнинг мазмуни анъанавий мавзӯ сифатида эътироф этилса-да, аслида уларда ҳар бир мўмин-мусулмон учун комиллик ибрати — пайгамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг ҳаёт тарзига оид лавҳалар, у зотга юборилган муъжизалар, хусусан, меърож тавсифи ва албатга, адоқсиз муҳаббат ифодаланган. Наът ғазалларнинг мазмуни шоирнинг Оллоҳ, олам ва одам ҳақидаги, коинотнинг сарвари Расулulloҳ ҳақидаги диний-сўфийна

<sup>1</sup> Алишер Навоий: МАТ. 4-жилд. — Тошкент: Фао, 1989. — 99-бет.

билимлари, қарашлари ва тасаввурлари билан уйғунлашиб кетган. Бироқ шеър бадиий тафаккур маҳсули. У инсон руҳиятининг энг юксак интилишларини англаб етиш истагида дунёга келади. Шундай экан, шоирнинг наът ғазалларида, бир томондан, пайғамбаримизнинг ҳаёти, пайғамбарлик фаолияти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалардан хабар топсак, иккинчи томондан ва, асосан, у зотга бўлган муносабат — чексиз меҳр-муҳаббат, унинг шафоатига муяссар бўлиш истагида ёнган юрак эврилишларининг бадиий ифодасига дуч келамиз. Бу туркум ғазалларни яратиш шоирга нечоғли ички хотиржамлик, руҳий қувват бахш этганини бир ғазалида ўзи шундай ифодалайди:

*Навоий, наби наътидин жам қилгил*

*Паришон эса хотири харзагардинг (344).*

Васф наът ғазалларда ул зотнинг ҳусни, ибратга лойиқ хулқи фазилятлари, ҳадислари ҳамда бошқа сифатлари тавсиф этилади. Меърож мавзуидаги ғазаллар эса Муҳаммад с.а.в.га юборилган мўъжизалардан бири — меърож воқеаси тавсифига, унинг бадиий талқинига бағишланган. Баъзан мана шу икки хил мазмуннинг бир ғазалда ифода этилганини ҳам кузатиш мумкин. Шунингдек, шоирнинг ошиқона ғазаллари таркибида Расулulloҳ ёр тимсолида васф этилганлари ҳам мавжуд бўлиб, уларни урганиш алоҳида тадқиқотларни талаб этади.

Наът ва меърож мавзуидаги ғазаллар мавзу йўналишига мувофиқ ўзининг тимсол ва рамълари, бадиий-тасвир воситалари, аниқроғи, ўзига хос услубий-бадиий хусусиятларига эга ва шунга кўра, уларни ҳар қандай девон таркибидан осон ажратиб олиш мумкин. Расулulloҳга бўлган самимий муҳаббат, бу муҳаббатнинг оташи, шиддати ушбу туркум ғазалларнинг яралишига бош сабабдир. Бу ишқнинг сир-асрори эса Қуръон оятлари, ҳадис ва, албатта, шоирнинг ғазалларида ҳам инкишоф этилган. Шоир бу ишқ олови ҳақида шундай дейди:

*Ут ичра тушса булур нисбати самандардек,*

*Кишики, ишқинг ўтига ўзин қилиб мансуб (53).*

Бу ишқнинг мазмун-моҳияти байтдаги *самандар* тимсоли орқали очилади. ўтдан яралиб, шу олов ичида яшайди, деб тасаввур этиладиган *самандар* классик матнда мажозан ишқ ўтида ёниб яшайдиган ошиқ тимсолини англатади. Байтда *самандар* тимсол-ташбеҳини қўллаган шоир Расулulloҳга муҳаббат мўмин учун тирикликнинг маъно-мазмунли эканлигига ишора қилади. Зоҳиру ботинда комиллик рамзига айланган Расулulloҳга муҳаббат Оллоҳга муҳаббат билан туташиб кетади. Бадиий асарда, хусусан, Навоий ғазалларида эса у зотнинг сиймоси ҳусну малоҳатда беқийс, хулқу атворда ибрат сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам шоир наът ғазалларида у зотни таъриф-тавсиф қилар экан, қийсани ойдан, қуёшдан излайди, унинг ошиқларини, шу жумладан, ўзини *вафодор ит, хору хас, зарра, губор* қабилар билан тенг кўради. Буларнинг барчаси бир томондан, шоирнинг руҳий-маънавий оламини, иккинчи томондан, бадиий маҳоратини намоён этади.

Навоий наътларида *Каъба*, *Макка*, *Мадина*, сингари Расулulloҳ ҳаёти, фаолияти билан боғлиқ тимсоллар муҳим ўрин тутлади. Шоир Расулulloҳга бўлган муҳаббатини у зот ҳаётидаги энг бахтиёр ёхуд бахтсиз кунлар билан боғлайди:

*Не учун киймиш қаро ҳар ён солиб жайбига чок,  
Фурқатингдин Каъба гар қолмайдурур мотам аро (6).*

Бу байтда манзаралар ифодаси воситасида айтилаётган фикрлар пайгамбаримизнинг Маккадан Мадинага қилган ҳижратлари билан боғлиқ. Маълумки, пайгамбарликнинг ун учинчи йилида пайгамбар с.а.в. Маккадан Мадинага ҳижрат қилганлар. Байтда ушбу ҳодисани *ташхис* санъати кўмагида ифодалар экан, шоир Каъбатуллоҳнинг ранги ва шаклига эътиборни қаратади, яъни: “Агар Каъба сендан (Расулulloҳдан – К.М.) айрилгани учун мотам тутмаётган бўлса, нега у қора – мотам либосини кийиб, ёқасини чок-чок этган”. Бу ўринда *Каъба* тимсолини рамзий-сўфийна мазмундаги “кўнгил” маъноси билан боғлаб тушунсак, Расулulloҳ билан бирга ҳижрат қилиб кетолмай қолиб кетаётган кишилар, шу билан бирга қайси замону маконда яшамасин, унинг ҳажрида ўртанган ошиқларнинг, жумладан, шоирнинг ҳам қалб ўртанишлари ўз аксини топганлигини ҳис этиш мумкин.

Меърож мавзуйидаги ғазаллар мазмунини Меърож воқеалари ҳамда шоирнинг у билан боғлиқ тасаввур ва кечинмалари ташкил этади. Уларда, айниқса, *қоинот*, *тунги само* тасвири муҳим ўрин тутлади, зеро меърож мўъжизалари тун билан, қоинот ва унинг жисмлари билан чамбарчас боғлиқ.  
*Анжум ичра оразинг меърож шони уйлаким,  
Тушса дурри шабчароге ҳар тараф шабнам аро (6).*

Меърож шомидоги юлдузлар бедор кўзларга қиёсланар экан, уларнинг ёруғ нур таратишлари шундай асосланади:

*Нужум кўзларини гарди маркабинг ёрутиб,  
Гоҳики секретибон чарх соҳатида Буроқ (329).*

Расулulloҳ самога Буроқ отида кўтарилган. Бу сайрнинг муқаддаслиги ушбу байтда ҳам таъкидланади. Буроқнинг оёқлари остидан кўтарилаётган чанг (самовий гард) туфайли юлдузлар кўзи (кўзга қиёс) ёришиб бормоқда. Кўзга сурма қўйилганда, у равшанлашади. Шоир байтда шуни назарда тутган ва бошқа ўринларда бу гардни тўтиё (малҳам)га ҳам қиёслайди. Бу Расулulloҳ хизматида бўлган Буроққа алоҳида меҳр-муҳаббат ифодаси бўлиб, сўфийлар Буроққа ишқнинг рамзи, тимсоли, деб назар солганлар.<sup>1</sup> Зеро, улар учун руҳни мукамалликка – Ҳаққа олиб чиқадиған восита ҳам ишқдир. Шунинг учун ҳам унинг чанги тўсиқ бўлиш ўрнига, нур – ёритиб турувчи восита, малҳам деб эътироф этилади.

Расулulloҳнинг сўзлари эл орасида *ҳадис* номи билан машҳур. Ана шу ҳадислар ва, умуман, пайгамбаримиз сўзларининг қиммати ҳақида шоир махсус ғазаллар ҳам битган.

<sup>1</sup> Suleyman Uludag, *Tasavvuf terimleri sozlugu* – Istanbul, 1995. – 105-s.

Шоир Муҳаммад пайгамбарнинг кўнлаб сифатлари қатори айтган сўзларидаги мукамалликдан ҳайратга тушади:

*Эрур каломеким, анда хуруфи иллат йўқ,  
Қаю ҳадиски, сендин баёнга келди саҳиҳ (101).*

Араб алифбосида алиф ( **ا** ), вов ( **و** ), ёй ( **ي** ) ҳарфларини хуруфи иллат, яъни нуқсонли (заиф) ҳарфлар деб атайдилар. Туркий тилда бу ҳарфлар қўшиб ўқилса, ( **ويو** ) “вой” сўзи, яъни афсусланиш ифодаси келиб чиқади. Ҳарф санъатининг хусусиятларидан бетакрор қиёс топган шоир байтини шундай тушунтириш мумкин: “Сенинг ҳеч бир сўзингда афсусланиш, аниқроғи, хатолик йўқ. Сен айтган ҳадисларнинг (сўзларнинг) барчаси тўғри, хатосиздир”.

Навоий назарида ҳам набий, ҳам валий, ҳам пайгамбарлар ҳотами – Расулulloҳ сиймоси комил инсон тимсолини ифодалашда жуда муҳим ва беқиёс воситадир. Расули акрамнинг инсоният тарихида, тақдирида тутган ўрнини мўмин-муслмон даражасида идрок этиш билан бирга шоир буларнинг барчасини жуда нозик ва теран ҳис этолади, ғазалларида бутун латофати билан ифодалай билади.

Хуллас, “Бадоеъ ул-бидоя” девонидаги ҳамд ва наът ғазаллар ўз табиатига кўра, энг аввало, шоирнинг диний-сўфиёна қарашларини ўзида мукамал акс эттирган, ислом фалсафасини, тасаввуф фалсафасини умумлаштирган ғазаллардир. Шоирнинг Шарқ шеърлятида мавжуд анъанага мувофиқ яратган бу туркум ғазалларида Оллоҳ, олам ва одам ҳақидаги фикр-қарашлари бетакрор мулоҳаза ва бадий бўёқларда ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Ирфоний маъно-мазмун моҳиятини очишда тимсол ва бадий санъатларнинг ўрни**” деб номланган.

Алишер Навоий асарларининг муайян қисмини орифона ғазаллар ташкил қилади. Шоирнинг барча шеърларида, у хоҳ ҳамд, хоҳ наът ғазаллар бўлсин, хоҳ ошиқона ёхуд риндона ғазаллар бўлсин – ҳар бирида ирфоний маъно-мазмун мужассам. Улар ўзликни, одамни, оламни ва албатта, Оллоҳни таниш ва англаш йўлидаги изланишлар самарасидир.

Мазкур боб орифона ғазаллар таҳлилига бағишланган бўлиб, девондаги 257-, 298-, 305-, 309-, 406-, 770-, 775-рақамли ғазаллар айтилажак фикр-мулоҳазалар учун асосий манба сифатида хизмат қилган.

Шоирнинг ўзи “Бадоеъ ул-бидоя” девони дебوحасида шундай ёзган эди: “Девон топилгайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлгайким, анда маъвизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зойиъ машаққат тортилгон бўлғай”<sup>1</sup>.

Навоийшунос олимлардан А.Ҳайитметов, Н.Комилов, Ё.Исҳоқов, И.Ҳаққулов, С. Олим, А. Абдуқодиров ва бошқалар ушбу масалага махсус ёки муайян бир мавзу доирасида тўхтаб ўтганлар.

Дунёни мукамал идрок этиш, зотни сифатда, моҳиятни ҳодисада кўра олиш, ўзликни англаш, Ҳаққа – моҳиятга етишиш учун ҳаракат.

<sup>1</sup> Алишер Навоий: МАТ. 1- жилд. – Тошкент: Фан, 1987. – 31-бет.

нафсни энгиш сингари масалалар ва, энг муҳими, шу сифатларни ўзида жамлаган комил инсон ва комиллик ҳақидаги қарашлар орифона ғазалларнинг бош ғояси ва асосий мазмунини ташкил этади. Бу туркум ғазалларда кўпроқ панд-насиҳат усули устун бўлгани учун ҳам уларда қўлланилган бадий санъат ва тасвир воситаларининг қисман чегараланганлигини, уларнинг кўпроқ фикрни аниқ ва лўнда ифодалаш мақсадида қўлланилганлигини кузатиш мумкин.

Орифона ғазаллар ўз мавзуи, услуби, тимсоллари ва ҳатто қўлланилган бадий санъатлари билан ажралиб туради. *Фано, ўзлик, нафс, бақо, ориф* ва шу каби бошқа тимсол ва тушунчалар ушбу туркум ғазалларда муҳим ўрин эгаллаш билан бирга бундай ғазалларни тушунишда муҳим “очқич” бўлиб ҳам хизмат қилади. Буни аниқлаш мақсадида диссертацияда девондаги 298-ғазалнинг таҳлили батафсил берилган.<sup>1</sup>

Нафсни энгиш маънақатлари ифода этилган бир ғазалида:

*Талаб ўлинда аввал фоний ўлғил*

*Ки, йўқ бу йўлда ўзлукдин оғир банд,*<sup>2</sup> — дейди шоир.

Мақсадга — ёр (ҳақ) висолига етишишнинг асосий шарти фонийликка эришиш, унга эса ўзликдан халос бўлиш орқалигина етиш мумкин. Тасаввуф йўлига кирган солиқ шарият босқичида ўзлигини англаш билан боғлиқ масалаларга қизиқади ва уларнинг барчасига ана шу босқич даражасида жавоб топади. Байтдаги *банд* сўзи занжир, ип, арқон маъноларига эга. Бу байтда у кўчма — мажозий маънода келмоқда, яъни вужуднинг руҳ учун банд эканлигини ифодалаган. Демак, у иборадаги мажозий маънони бўрттириб ифодалашга хизмат қилмоқда. Тарикат босқичи мақомларида эса у ана шу англаган ўзликдан кечиш жараёнини бошидан ўтказади. Тарикатнинг сўнгги мақоми (талаб, ишқ, маърифат, истиғно, ҳайрат, тавҳид мақомларидан кейин) *фано* ҳақиқатга — *бақога* эришишдаги бош мақсад бўлгани учун ҳам, кўпинча, тарикат йўли *фано* номи билан ҳам аталади. Қисм билан умумни номлаш усулини қўллаган шоир *фано ҳарими* тушунчаси орқали тарикат йўлини назарда тутаяди. Байтда *тақрир* санъати, *иншо санъатининг амр ва наҳий усули* қўлланилмоқдаки, унинг кўмагида шоир ўз фикрини ўзгага мурожаат тарзида ифодалаб, масаланинг муҳимлигига эътиборни қаратади.

Орифона ғазалларда ифодаланган муҳим мавзулардан яна бирини дунёнинг фонийлиги, бебақолиги, ҳеч нарсага арзимаслиги ҳақидаги фалсафий-сўфиёна фикрлар ташкил этган бўлиб, бу масаланинг моҳияти девондаги

*Эй кўнгул, эр-кўк асосин асру бевунёд б...*

*Уз кесакни суда кўр, бу сафҳани барбод бил,* — деб

бошланувчи 406-ғазали таҳлили воситасида урганилган ва диссертацияда ўз ифодасини топган.

<sup>1</sup> И. Ҳаққон ҳам «Тасаввуф ва шарият» ҳақидаги ушбу ғазални қисқа шарҳлаб ўтган. Қаранг: Ҳаққон И. Тасаввуф ва шарият. — Тошкент: Адибнат ва санъат, 1991. — 23-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий: МАТ. 5-жилд. — Тошкент: Фан, 1990. — 95-бет.

Бу дунёнинг қадр-қиммати даражасини англаган шоир қаҳрамони — солиқ унинг макру-ҳийлаларидан, алдовларидан қочиб, йўқликка етишишни ният қилади. Навоийнинг иккинчи бир шахсга мурожаати шаклида айтилган орифона ғазаллардаги фикрлари кўп жиҳатдан пандномани эслатса, ушбу туркумга мансуб мана бу ғазалда лирик қаҳрамоннинг истаги, шарҳи ҳоли билан бошланган мисралар шоирнинг қалб кенгликларини ўрганиш имконини беради, жумладан:

*Истарам юз манзил ўтгаймен адам саҳросидин,  
То замоне тингамен олам эли гавғосидин (511).*

“Бу дунё ташвишларидан халос бўлиш учун Адам саҳросидан юз манзил (юз марта) узоқроққа кетиб қолишни истайман” деган мазмун англашилган байт бир қарашда замон кишилари — замон ташвишларидан халос бўлиш ниятида айтилгандек кўринади. Унга чуқурроқ назар ташланса ва кейинги байтлар билан уйғунликда ўрганилса, унинг сўфиёна маъно-мазмунга эга эканлиги ойдинлашади. Байтнинг таянч нуқтаси *адам саҳроси истиоравий ибора* бўлиб, *адам* лугавий маънода *йўқлик* мазмунини ифодалайди, унинг *саҳро* сузига сифатловчи қилиб олинishi байтнинг таъсир кучини оширган. *Адам саҳросини* икки маънода тушуниш мумкин. Бунда у фоний — ўткинчи дунёга нисбатан қўлланилар экан, бу дунёни йўқликка менгзаган шоир унинг ўткинчилигига эътиборни қаратади. *Адам саҳроси* фоний дунёдан воз кечиб эришиладиган маскан сифатида тасаввур этилган иккинчи маънода (ундан юз манзил ўтиш билан) *муболаганин*г ўрни сезилади. *Адам саҳроси* тимсоли орқали дунёнинг қувончу ташвишларидан халос бўлиш истагини билдирган солиқ нияти иккинчи байтда ойдинлашади:

*Умр нақдин сарф этай дермен фано бозорида,  
То қутулгай хотирим суду зиён савдосидин.*

Байтдаги *нақд*, *сарф* *этмоқ*, *бозор*, *суд* (*фойда*), *зиён*, *савдо* каби тушунча ва ифодалар таносубида шоир-солиқ ўз умрини фано йўлига кириб ўтказишини, кўнгилни (хотирни) бу дунёнинг фойдаю зиёнларидан (ташвишларидан) халос этишга аҳд қилганини таъкидлайди. *Фано бозори истиоравий ибораси* байтнинг таъсир кучини таъминлайди. Чиндан, фано бозорига — фано йўлига кирган солиқ битта мақсад — ҳақ васлига етишиш учун тинимсиз ҳаракат қилади, бор умрини (“умр нақдин”) сарф этади. Бу дунёдан кўрадиган фойдаю зиёнлари (*тавод санъати*) ҳодиса эканлиги англашилиб, ўз қимматини йўқотади. Бу йўлга кирган солиқ фақат моҳиятни ўйлайди, унинг учун дунёвий ҳодисаларнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмайди.

Орифона ғазалларда яна муҳим бир масалага эътибор қаратилган. Бу — ҳодисаларнинг моҳиятан тенглиги масаласи. Маърифатни мақом сифатида ўрганган олимлар ушбу мақомга мансуб ғазалларнинг “...хусусийликни умумийликдан, ҳодисани моҳиятдан, моддийни руҳийликдан фарқлай олиши, бутун таайюният ёрининг белгилари, бошқача кўриниши, моддий шаклдаги акси сифатида юзага чиқиши,



тажаллиси эканлиги”<sup>1</sup> ни таъкидлайдилар. Бу фикрлар Навоийнинг ушбу байтларида анча очиқ ифода этилган:

*Буду нобудум агар тенг бўлди жонон оллида,  
Зарра йўқу бори тенгдур меҳри рахион оллида.*

*... Фақр ила шод ўлки, ҳар ким бўлса аҳли маърифат,  
Даҳр туфроғ бирла тенг бўлмоқ не имкон олдида.<sup>2</sup>*

Воқеан бир-биридан тубдан фарқланадиган шох ва гадо, қуёш ва зарра, тўти ва зог, ҳажр ва висол кабиларнинг моҳиятан тенглиги орифнинг хусусийликда умумийликни кўра олиш салоҳияти билан боғлиқ. Айниқса, ҳодисада моҳиятни, хусусийликда умумийликни кўра олиш ташбеҳли тафаккурда, жумладан, шеърятда табиат, ундаги нарса-ҳодисаларни тақозо этади.

Хуллас, Алишер Навоий ғазалларининг муайян қисмини орифона ғазаллар ташкил этиши билан бирга, деярли барча ғазалларида шоирнинг ўзи таъкидлаганидек, орифона мазмун ифодаланганини кўриш мумкин. Бу туркум ғазалларда асосий эътибор дунё, унинг моҳияти — ўткинчилиги, беқийматлигини англаш ҳамда англатиш, унга берилиб, алданиб қолмаслик, нафсни енгиш, ўзликни англаш, ўша англанган ўзликдан халос бўлиш ва у орқали мақсадга эришиш, жаҳолатни енгиш, ғафлат уйқусидан уйғониш, фақру фано мақомини эгаллаш каби масалаларга қаратилган ва улар бадиий мукаммал даражада ёритиб берилган.

Диссертациянинг учинчи боби “**Навоий ғазалларида табиат тасвири билан сўфиёна қарашлар ифодасидаги уйғунлик**” деб номланган.

Девоннинг асосий қисмини ошиқона ғазаллар ташкил этади. Шеърятнинг жуда кўҳна ва доимий мавзуи ҳисобланган ишқ Навоий наздида тирикликнинг маъно-мазмунини, инсоннинг инсонлик моҳиятини белгиловчи энг муҳим омиллардан.

Навоийшуносликда бу масала анча кўп ўрганилган. Мазкур бобда эса шоирнинг манзара ифодаси билан уйғун, тасаввуфга мансуб, ҳали ўрганилмаган ошиқона ғазаллари тадқиқ этилган.

Манзара ифодаси шунчаки олам гўзаллигининг тасвири эмас, балки у кайфиятни ифодалаш воситаси, янада чуқурлаштириб айтадиган бўлсак, муайян дунёқараш тарғиби учун бадиий замин.


Навоийшунос олим Ё.Исҳоқов шоирнинг “Хазойин ул-маоний” дебocasида айтган фикрларига таяниб, пейзаж ғазалларининг таъриф, тавсиф, мадҳ ва шарҳ усулларида битилганини тушунтиради.<sup>3</sup> А.Ҳайитметовнинг “Навоий лирикаси” номли асарига ҳам шоирнинг табиат манзаралари ифодаси билан уйғун ошиқона ғазалларига эътибор қаратилган.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Алишер Навоийнинг алабий маҳорати масалалари: Мақолалар гўндами. Тошкент: Фан, 1993. — 177-бет.

<sup>2</sup> Алишер Навоий: МАТ. 4-жилд. — Тошкент: Фан, 1989. — 25-бет.

<sup>3</sup> Ё.Исҳоқов. Навоий поэтикаси. — Тошкент: Фан, 1983.

<sup>4</sup> А.Ҳайитметов. Навоий лирикаси. — Тошкент: Фан, 1961.



Зоҳиран ишқни, ошиқ ва маъшуқликни васф этган кўплаб ғазалларда орифона мазмун мужассам. Бу эса ғазал ёки байтда қўлланилаётган тимсолларнинг ўз маъноси билан бирга яна бир қанча маънолар ифодалашига имкон беради. Ушбу туркум ғазалларда *ошиқ ва ёр* тимсолларидан ташиқари *гул, булбул, шамъ, парвона, субҳ, шом, бог, бустон, баҳр, денгиз, томчи, қатра, мавж, ҳубоб, кема, балиқ* сингари табиатта, борлиққа ёки коинот жисмларига мансуб тимсоллар кенг қўлланилган ва улар шоир ижодий ниятини ифодалашда муҳим аҳамиятга эга. Инсон умри, унинг қадр-қиммати, дунёнинг бевафолиги, ўткинчилиги сингари фалсафий фикр-қарашлар ифодасида алоҳида ўрин тутган бу тимсоллар шеърининг истеъдод қўлида нималарга қодир эканлигини намойиш қилади. Жумладан:

*Шабнам эрмас, наргис ашиқидур, недин қон йиғламас,  
Кўз юмуб-очқунча гулшан умри поёнин кўруб (71).*

Байтда шоир *тафрий* санъати ёрдамида, яъни нарса-ҳодисанинг ҳақиқий кўринишини инкор этиб, унга ўз ижодий ниятига мувофиқ вазифа юклаш орқали шабнамнинг кўз ёш тукиш сабабини ҳаётнинг тез ўтиб кетишию, умрнинг жуда қисқалиги билан боғлайди. Тасаввувф истилоҳлари луғатларида *наргис*нинг илм натижасида пайдо бўлган шодлик ва қувонч эканлиги таъкидланиб, унинг амалда буларни намойиш эта олиши эътироф қилинган. Мухтасар айтганда, *наргис* дунё шодлиги қувончининг ифодаси. Дунё қувончларини умрининг мазмуни деб билган инсон қиёфасини мужассамлаштирган наргис (*ташхис санъати* воситасида наргисга йиғлаш хусусияти *берияптики*, у фақат инсонга хос) унинг ўткинчилигидан изтиробда. У айни пайтда дунёга қўллик рамзи ҳамдир. Шоир унинг дунёпарастлигини ифодалаш билан бирга дунёнинг ўткинчилигидан ўзгаларни огоҳ этади, унинг моҳиятига назар солишга ундайди. Шеърнинг таъсир қуввати ҳам шоирнинг айтаётган фикридан кўра, айтмоқчи бўлган фикрнинг чуқурлигида. Наргиснинг *дахр боғи* (дунё, ҳаёт) ўткинчилигини билгандан кейинги аҳволи — йиғлашининг берилиши китобхонга дунёни, умр моҳиятини англаш учун тўртки бўлиши табиий.

Дунёни, ҳаётни, тирикликни *боғ, чаман, гулзор* сингари тимсол ва рамзлар воситасида ифодалаш ўз навбатида *гул, булбул* каби бир-бирига мутаносиб тимсол ва рамзларни тақозо қилади. Масалан:

*Ғанимат англасун булбулни гул етгачки, бустондин  
Учар гул яфрғи ҳам, қолмас учмай гарчи булбул ҳам (453).*

Гўзал *таносуб* асосига қўрилган байт бир қарашда ундаги образлар билан боғлиқ масканни — боғ ҳаётини тавдалантираётгандек. Гул ҳам, булбул ҳам, қолаверса, бустон ҳам ўткинчи экан, шоирнинг мақсади аслида инсон умри фанийлигини таъкидлаш.

Шу билан бирга ошиқона ғазаллар таркибида зоҳиран маъшуқа — дунёвий мазмундаги ёр, ботинда эса Ҳақ гўзаллиги тавсиф этилган ғазаллар ҳам учрайди. Оламни ана шу Ҳақ гўзаллигининг намойиши

сифатида талқин этган бу ғазалларида шоир анъанавий ва айни пайтда ўзига хос манзаралар ифодаси билан боғлиқ тимсол ва тушунчаларга кенг ўрин беради. Бу туркум ғазаллар “мазмунни, энг аввало, инсон тавҳидига интиланган Мутлақият руҳоний кучининг тажаллийси (жилваси) бўлиб, бунинг эвазига инсоннинг зеҳни, фаҳм-идроки очилади. Шакл эса Мутлақ борлиқнинг моддий олам предметлари кўринишидаги тажаллилариридир»<sup>1</sup>, — деб ёзади тасаввуфни эстетик нуқтаи назардан ўрганган олим А. Қурбонмамедов. Диссертацияда ушбу муаммога мансуб — *маъшуқа* тавсифига бағишланган бир ғазал (760-ғ.) тулиқ таҳлил этилган бўлиб, унда ёр тимсолининг — Ҳақ, яратувчи эканлиги исботланган.

*Эмас бог ичра сориг лола занбақ, билки, ҳар сори  
Янги доғ ўртаб ул гул ишқидан сорғорди рухсори.*

Шоир байтда *тафрий* санъатини қўллайди. Ғазалда ушбу санъатни изчил қўллаган Навоий бадиий мақсади — касрат ва ваҳдат оламлари (ҳодиса ва моҳият) муносабатларини ифодалаш учун жуда тўғри ва чиройли йўл танлаган. Байтда таъкидланишича, чаманда очилиб турган гул лола эмас, балки у ёр ишқида азоб чекиб, сариг рангга кирган.

Табиат фонида Ҳақ сифатларининг ифодаланаётганлиги кейинги байтларда янада очиқроқ кўринади:

*Лема, кундуз қоронғу тун эди, чун пардадин чиқтинг,  
Жаҳонни қилди кундуздек юзунг меҳрининг анвори.*

Байтда дунёнинг яралиши масаласига мурожаат қилган шоир сўфийлик назариясидаги нур — ёруғликнинг олам асосида тутган ўрнига эътиборни тортади. Кўпгина сўфийлар дунёнинг яралиши нур — ёруғликнинг яралиши билан бошланганлигига алоҳида аҳамият берганлар. Айни байтда ҳазрат Навоий ҳам ана шу фикрни диққат марказида тутди. *Тафрий* санъати ёрдамида кундузнинг бошланишини илоҳий моҳият нурлари ёйилиши билан боғлаган шоир байтини ўқиётган китобхон юз, *анвор* каби тушунчаларнинг сўфиёна моҳиятини билишга эҳтиёж сезади.

*Туганмас меҳри йўқ ҳажрим тунни шарҳин савод айлаб,  
Варақ афлок ўлуб, ул тун саводин-ўқ мидод айлаб (76).*

Байтда ифодаланаётган ҳижрон, соғинч туйғусини, адоқсиз муҳаббат изтиробларини фақат инсонга нисбатан деб билиш тўғри бўлмаса керак. Мана шу ва бунга ўхшаган куплаб байтларга асос бўлган мавзу ва ҳатто тимсолу қиёслагар Қуръони Карим оятларида ҳам учрайди. Луқмон сурасида: “Агар ер юзидаги бор дов-дарахтлар қаламлар бўлиб, денгиз (сиёҳ бўлса ва) ундан сўнг яна етти денгиз ёрдамга келса, Оллоҳнинг сўзлари тугаб-битмас. Албатта, Оллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир”(31:27), — деган оятни ўқиймиз. Ушбу ўриндаги “Оллоҳнинг сўзлари” жумласини аввалги оят мазмунидан келиб чиқиб, У зотга айтиладиган ҳамду санага тегишли эканлигини билиш мумкин.

Ошиқона ғазалларда маъшуқа тавсифи, ошиқнинг шарҳи ҳоли ифодасида *ишқ маскани* тавсифи ҳам муҳим ўрин тутди. Ошиқ-шоир бу

<sup>1</sup> А. Қурбонмамедов. Эстетическая доктрина суфизма (Опыт критического анализа). — Душанбе: Дониш, 1987. — С.80.

масканни гоҳ *ишқ боли*, *хайрат водийси*, гоҳ *сарҳадсиз саҳро*, *фано дашти*, *ишқ дашти*, *бало тоғи*, *адам саҳроси*, гоҳ *талаб дашти* қиёфасида тасаввур этади. Фано, талаб, ишқ, хайрат, тавҳид, истиғно каби образли ифодалар билан берилган бу бирикмалар ишқ йўлининг тариқат йўли эканлигини англатади.

Девонда бошдан-охир манзара ифодасига асосланган газаллар анчагина. Шулардан *бахр* — денгиз ва у билан боғлиқ *кема*, *ҳубоб*, *кемачи* каби тимсоллар эътиборга лойиқ.

*Кема*, *заврақ*, *кишти*, *жунг* атамалари билан номланган бу тимсол воситасида шоир бир неча газаллар яратган (“Бадоеъ ул-бидоя” девонидаги 18-, 124-, 159-газаллар шулар жумласидандир).

Газални муқаммал англаш учун унинг зоҳирий ва ботиний маъноларини баробар ўрганиш йўлини тутиш лозим. Шу мақсадда газалдаги айрим тимсол ва тушунчаларнинг сўфиёна мазмунини аниқлаб оламиз. *Кема сайри* сўфиёна талқинда касрат манзилдан (яъни: кўплик — ҳодисалар оламидан) ўтиб, ваҳдат мақомига етишишдаги ҳолат-кечинмаларнинг ифодасини англатади. Денгиз, дарё тушунчалари эса илоҳий олам чексизлигига ишора; мавж — мутлақ борлиқнинг коинот мартабалирида пайдо бўлган тажаллилари: олам ва одам — мутлақ вужуднинг — ваҳдат денгизининг мавжлари сифатида талқин этилади.

Фикрни асослаш мақсадида диссертация ишида девондаги 124-газал батафсил ўрганиб чиқилган.

Ёрдан нишона топиш, уни ўз ҳолидан огоҳ этиш, аниқ мақсад йўлига ўтиш, ёр мадҳини битиш, васфини қуйлаш, ҳаётини ёрга сарфлаш мақсадида асраш сингари тушунчалар сингган талай газаллар, байтлар орасида *кема* тимсоли билан бир қаторда *субҳ*, *қуёш* каби тимсоллар эътиборни тортадики, диссертацияда бу тимсоллар 104-газал мисолида ўрганилган.

Замон ва маконга нисбатан изчил фалсафий муносабат шоирнинг йил фаслларига мурожаати жараёнида аниқроқ кўринади. Бу туркум газалларда умрнинг — вақтнинг ўтишига нисбатан таъсирчанликни, ҳар бир дақиқанинг ганиматлигини ҳис этиб яшаш ва шу билан бирга умрнинг ўткинчилиги, дунёнинг бебақолиги сингари фалсафий мушоҳадалар устувор.

Навий газалларида йил фасллари, айниқса, баҳор ва кузга мурожаат изчил, доимий. Вақтнинг, умрнинг жуда тез ўтишини ўта таъсирчанлик билан ҳис этган шоир ҳар бир дақиқанинг ўтиши таъсирида кечган, кечаётган ҳолатларни гўзал, бетақрор манзаралар замирига сингдиради. Ошиқнинг руҳий аҳволи — ҳижрон кайфияти, висол иштиёқи, маъшуқа гўзаллиги тавсифи — барча-барчаси йил фаслларида ҳам ўз ифодасини топади. Шоирнинг ўзи бир ўринда:

*Васл англа ишқ боғининг баҳоридан нишон,*

*Ҳажр билгил гар тилар бўлсанг хазонидин мисол (444), —*

деб ёзган эди.

“Бадоеъ ул-бидоя” девонида ҳам йил фасллари тавсифига бағишланган газаллар анча. Тадқиқот ишининг имкониятини ҳисобга олган ҳолда, шоирнинг ошиқона тасаввуфга мансуб куз манзараларига уйғун 523-газали тадқиқ этилган.

Хуллас, манзара ифодаси билан уйғун тасаввуфга мансуб ошиқона ғазаллар зоҳиран дунёвий (инсоннинг инсонга) муҳаббатга ҳамоҳанг бўлса, ботинда унинг маъно доираси кенгайди.

Бу ғазалларнинг моҳиятини очишда, айниқса, табиат манзараси ифодаси, унинг унсурлари ёки улар билан боғлиқ *субҳ, мейх (қуёш), баҳор, куз, қиш, сув, денгиз, балиқ, ҳубоб, кема каби тимсол ва тушунчалар* муҳим аҳамият касб этган. Улар зоҳиран тимсол, ботиний мазмунда эса рамз хусусиятларини эгаллайди.

Ушбу туркум ғазаллардаги тимсоллар бошқа туркум (ҳамд, наът, орифона) ғазаллардаги тимсоллардан узининг икки ёки ундан кўп маъно англатиши ҳамда шуларга боғлиқ ҳолда узига хос бадий санъатларнинг (*ташбеҳ, тафрий, таносуб, тамсил, талмеҳ, тазод ва ҳоказо.*) қўлланилиши билан ажралиб туради.

Хуллас, Алишер Навоий ғазалиёти — муайян адабий борлиқ, шоирнинг ботиний эҳтиёжи — олам ва одамни мукамал идрок этиш истагининг самарасидир. Уни урганиш, англаш, шоир ижодий лабораториясига чуқурроқ кириб боришга уриниш, ғазалларнинг маъно кўлами, образлар дунёси ва бадий санъатлар доирасини талқин этиш, уларнинг ўзаро уйғунлигини текшириш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Шоир ғазалларини мавзу ва бадий-услубий хусусиятларига кўра шартли равишда ҳамд ва наът ғазаллар, орифона ғазаллар, ошиқона ғазаллар, риндона ғазаллар сифатида туркумларга ажратиб урганиш ўринли.

2. Ҳамд ва наът ғазаллар ислом фалсафаси, тасаввуф фалсафаси гоёларини бадий теран умумлаштиролган санъат асарлари бўлиб, Оллоҳни, унинг Расулини васф этиш, Оллоҳга мурожаат йўлида битилган бу ғазалларда инсон умрининг, тирикликнинг моҳиятини англаш ва англашиш истаги асосий урин тутади.

3. Анъана сифатида тарқалган ҳамд ғазаллар инсонни маънавий баркамолликка ундовчи, уни ҳақ деб аталмиш буюк бир қуёшнинг зарраси эканлигига бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган муҳим восита бўлиб, улардаги мазмун *қуёш, зарра, баҳр, мавж, гул, булбул, парвона, шамъ* каби тимсоллар, *ташбеҳ, таносуб, тазод, иштиқоқ* сингари бадий санъатлар уйғунлигида ўз ифодасини топган.

4. Ҳамд ғазалларда қўлланилган *қуёш, зарра, баҳр, мавж, гул, булбул, парвона, шамъ* каби тимсоллар дунёни Мутлақ вужуд тажаллисининг инъикоси сифатида идрок этишнинг бадий-фалсафий натижасидир.

5. Анъана йўлида битилган наът ва меърож ғазаллар биринчи навбатда Навоийнинг комил инсон ҳақидаги юксак орзуларини ифодалашда муҳим восита бўлса, иккинчи томондан, Расули акрамнинг ҳаёт тарзи, гузал хулқи ва бошқа сифатлари ҳақида поэтик маълумот берувчи манба ҳамдир.

6. Орифона ғазаллардаги бош масала — инсон, унинг камолоти тарғиби бўлиб, бу туркум ғазалларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: биринчиси — ижтимоий ҳаёт, шахс камолоти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда инкишоф этиладиган маърифат билан, иккинчиси — Ҳаққа интилаётган солиқ маърифати билан уйғун.

7. Орифона ғазалларда ўзликни англаш, анланган ўзлик(нафс)дан воз кечиш, моддий дунёнинг ҳеч нарсага арзимаслиги, ҳар қандай ҳодисанинг моҳиятан тенглиги, комилликка интилиш зарурати ва шу каби тасаввуфнинг назарий томонига оид масалалар асосий ўрин тутган. Бу туркум ғазалларнинг кўпроқ панд-насихат тарзида битилиши ўзига хос бадий-услубий хусусиятларни — тимсол ва бадий санъатлар уйғунлигини юзага келтирган. Ғазалларнинг ўзгага мурожаат тарзида битилиши *иншо санъатининг амр ва наҳий усулидан, тамсил, ташбеҳ*дан самарали фойдаланишга имкон берса, тирикликнинг маъно-мазмунини, аниқроғи, моҳият ва ҳодиса, ваҳдат ва касрат, бақо ва фано каби масалалар бадий-фалсафий йўл билан тушунтирилган бу туркум ғазалларда *тазод* санъатига кенг ўрин берилган.


8. Навоий ошиқона ғазалларининг тимсоллар олами кенг. Ғазалларда ёр ва ошиқ тимсолларидан ташқари, табиат ва у билан боғлиқ тушунчалар тимсол, баъзан рамз даражасига кўтарилган. Бунинг натижасида Навоийнинг пейзаж лирикаси вужудга келган. Ҳеч бир ижодкор ўз шеъриятида табиат унсурларидан Навоийчалик самарали фойдаланган эмас.

9. Манзаралар ифодасига асосланган ошиқона ғазалларда йил *фасллари манзараси, тонг тасвири, денгиз, дарё* каби тушунчалар, *ранглар ифодаси* муҳим ўрин тутган ғазаллар гуруҳлари вужудга келган. Ушбу туркум ғазаллардаги табиат унсурлари ёки улар билан боғлиқ тимсоллар, *субҳ, меҳр, сув, денгиз, балиқ, ҳубоб, кема* каби тимсолларнинг кенг қўлланилиши шоир фалсафий қарашларининг тажаллий назарияси (оламни Оллоҳнинг зухуроти деб билиш)га мувофиқ фикрлаш тарзи билан боғлиқ. Шу боис ошиқона ғазаллардаги бу тимсоллар зоҳиран ошиқ, ёр тимсолини, уларнинг тавсифи ёки шарҳи ҳолини ифодалашда муҳим восита бўлса, ботинда ана шу ёрнинг илоҳий моҳиятга тегишли эканлигини, ошиқнинг эса соликлик мақомидаги аҳволини ифодалаш учун гўзал воситадир. Бу мақсадларни ифодалашда Навоий *ташбеҳ, тазод, талмеҳ, тафрий, муболага* каби бошқа кўплаб бадий санъат ва тасвир воситаларини қўллаганки, булар Навоий идеалидаги ёр ва ошиқ сурату сийратини бутун мукамаллиги билан китобхонга тақдим этишга имкон яратган, табиат тасвирига уйғун ошиқона ғазалларнинг ўзига хос услубий-бадий хусусиятларини вужудга келтирган.

Хуллас, Алишер Навоий ғазалларини бир бутун уйғунликда — зоҳирий ва ботиний маънолар асосида ўрганиш — шоирнинг руҳий-маънавий, бадий оламига чуқурроқ кириб бориш ва, айти пайтда, адабиётнинг муҳим вазифаси бўлган инсон руҳий оламининг энг юксак интилишларини англаб етиш йўлига ўтишдир.

**Диссертация юзасидан эълон қилинган мақолалар рўйхати :**

1. К. Муллаҳужаева. Ғазалда ранг жилоси // “Филология масалалари” журналі. – 2003. – № 3-4 – Б. 6 – 10.
2. К. Муллаҳужаева. Навоийнинг наът ғазалларида меърож талқини // “Ўзбек тили ва адабиёти” журналі. – 2004. – № 5. – Б. 51 – 54.
3. К. Муллаҳужаева. Ошиқона ғазалларда ирфоний моҳият // “Филология масалалари” журналі. – 2004. – № 2-3. – Б. 13 – 17.
4. К. Муллаҳужаева. Нега кўргузди совуқ оху сариг рухсор субҳ // “Туркистон” газетаси, 1994 йил. – 9 февр.
5. К. Муллаҳужаева. Бу ишқ фасонаси узундир // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1999 йил. – 26 март.
6. К. Муллаҳужаева. Борлиқда ҳақиқат пинҳон // “Ёзувчи” газетаси, 1999 йил. – 20 апр.
7. К. Муллаҳужаева. “Бог аро деманг хазонким...” // “Ёшлик” журналі. – 1999 йил. – № 2. – Б. 40 – 42.
8. К. Муллаҳужаева. Алишер Навоийнинг ҳамд ғазалларида табиат тасвири // “Маънавиятимиз сарчашмалари”. Илмий тўнлам. Низомий номидаги ТДПУ. – 1999. – Б. 73 – 81.
9. К. Муллаҳужаева. Байтларга сингдирилган сеҳр. “Маънавиятимиз сарчашмалари”. Илмий тўнлам. Низомий номидаги ТДПУ. – 1999. – Б. 81 – 89.
10. К. Муллаҳужаева. “Гулу булбул баҳонадур бариси...” // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. – 2000. – 4 авг.
11. К. Муллаҳужаева. Васл субҳи ҳасрати... // “Навоийга армуғон” тўнлами. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. – Б. 77 – 83.
12. К. Муллаҳужаева. Ғазал ҳикмати // “Навоийга армуғон” тўнлами. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, – 2003. Б. 101 – 107.
13. К. Муллаҳужаева. Комиллик васфи // “Навоийга армуғон” тўнлами. – Тошкент: – Фан. – 2004 – Б. 100 – 106.



**Филология фаълари номзоди илмий даражасига талабгор Муллахўжаева Каромат Тошхўжаевнинг 10.01.03 – Миллий адабиёт тарихи (Ўзбек адабиёти) ихтисослиги бўйича “Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида)” мавзудаги диссертациясининг**

## **ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

**Таянч сўзлар:** ғазал, тимсол, тасаввуфий тимсол, рамз, маъно, бадий санъат, ташбеҳ, тазод, таносуб, тамсил, тафреъ, тасаввуф фалсафаси, ҳамд ва наът ғазаллар, тавҳид, орифона ғазаллар, ориф, ирфон, ошиқона ғазаллар, манзара ифодаси, пейзаж лирикаси, бадий маҳорат, фано, бақо, моҳият ва ҳодиса, тажалли, зуҳурот, ваҳдат, касрат, нафс, ўзлик, гул, булбул, шамъ, парвона, қуёш, соқий, май.

**Тадқиқот объекти:** Алишер Навоийнинг “Бадоеъ ул-бидоя” девони.

**Ишнинг мақсади:** Алишер Навоий ғазалиётидаги тасаввуфий тимсолларнинг бадий санъатлар билан таносубини “Бадоеъ ул-бидоя” девони мисолида изчил – ҳамд ва наът ғазаллар, орифона ҳамда табиат лирикасига мансуб ошиқона ғазаллар асосида ўрганиш ва илмий хулосаларни умумлаштиришдан иборат.

**Тадқиқот методи:** ишда адабий-қийёсий таҳлил усулидан фойдаланилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Алишер Навоий ғазалларида қўлланилган тасаввуфий тимсоллар ва бадий санъатларнинг ўзаро алоқаси, таносубини ўрганиш орқали ҳар бир туркум ғазалнинг ўзига хос бадий-услубий хусусиятларини аниқлаш, шоир ғазалларида зоҳирий маънони ифодалашда муҳим урин тутган тимсоллар ботиний мазмунда ўзгача – ирфоний маъно касб этиши, ҳар бир туркум ғазалнинг ўзига хос бадий санъатлар билан мувофиқлашиши масаласи, шоирнинг санъаткорлик маҳорати инсон руҳий оламнинг энг юксак интилишларини ифодалашда муҳим восита эканлигини тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулосалар ишнинг янгилигини белгилайди.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот натижаларидан Алишер Навоий ижоди, хусусан лирик меросини ўрганишга оид илмий-тадқиқот ишларини яратишда, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, академлицейлар ва умумтаълим мактаблари учун дарсликлар яратишда, олий ўқув юртларининг филология факультетларида махсус курслар ўқишда фойдаланиш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси:** тадқиқотнинг асосий мазмуни республика журнал ва газеталарида, илмий тўпламларда оммалаштирилган. 1998 йилдан буён Низомий номидаги ТДПУ ўзбек тили ва адабиёти факультетида талабаларга маъруза ўқиб келинмоқда.

**Қўлланиш соҳаси:** олий ва ўрта махсус таълим талабаларига Навоий лирикасини ўргатишда ва монографик тадқиқотларда фойдаланилади.



## РЕЗЮМЕ

**Диссертации Муллаходжаевой Каромат Ташходжаевны на тему “Гармония суфийских образов и поэтических фигур в газелях Алишера Навои (на примере дивана “Бадоеъ ул-бидоъ)””, представленной на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.01.03. — История национальной литературы (узбекская литература)**

**Ключевые слова:** газель, образ, суфийский образ, символ, значение, поэтическая фигура, сравнение, антитеза, метафора, тамсил, тафрий, таносуб, суфийская философия, газели, восхваляющие бога, пророка, газели суфийского характера, любовные газели, просветитель, пейзажная лирика, брэнность, вечность, сущность и явление, тажалли (проявление), душа, таухид(единение), роза, соловей, свеча, мотылек, солнце, виночерпий, вино, совершенный человек.

**Объектом исследования** является диван “Редкости начала” (“Бадоеъ ул-бидоъ”) Алишера Навои.

**Целью** диссертации является изучение взаимосвязи и гармонии суфийских образов и поэтических фигур на примере газелей суфийского содержания, любовной и пейзажной лирики.

**Метод исследования:** в работе использованы аналитический, сравнительно-сопоставительный методы.

**Полученные результаты и их новизна:** научная новизна работы состоит в том, что в ней впервые выявлены художественно-стилистические особенности газелей Алишера Навои на основе изучения взаимосвязи и гармонии суфийских символов и поэтических фигур, выявлены суфийские значения ряда символов и образов, показано поэтическое мастерство поэта и сделаны соответствующие научные выводы.

**Практическая значимость:** материалы диссертации и результаты исследования могут быть применены в научно-исследовательских работах, в создании учебных пособий и учебников и в проведении специальных курсов по изучению лирики Алишера Навои в системе как высшего, так и среднего образования.

**Степень внедрения:** основное содержание и выводы исследования были изложены в научных статьях, опубликованных в центральных республиканских журналах, газетах, также в научных сборниках. С 1998 года на факультете узбекского языка и литературы Таш. гос. пед. университета используется при изучении лирики Навои.

**Сфера применения:** материалы диссертации могут быть использованы в преподавании лирики Алишера Навои студентам высших и средне-специальных учебных заведений, а также при создании монографии.

## REZUME

**of dissertation of Mullahodjayeva Karomat on theme «Correlation of sophical images poetical figures in gazals of Alisher Navoi (on example divan “Badoe ul-bidoa”)» on the academic degree competition of the candidate of philological sciences, speciality 10.01.03 – History of national (Uzbek) literature**

**Key words:** gazal (poem), image, sophical image, symbol, meaning, poetical figure, comparison, antitheses, metaphor, tamsil, tafu, tanosub, sophical philosophy, gazals praising God, prophet, gazals of enlighten character, love gazals, enlightener, scenery lyrics, eternity, essence and phenomenon, tajalli (displaying), sone, tauhid (unity), rose, nightingale, candle, butterfly, sun, wine, perfect man.

**Subject of inquiry** is divan “Rarity of origin” by Alisher Navoi.

**Aim of the inquiry:** Generalization of scientific results of correlation, and correlation of sophical images and poetical figures on example of gazals praising God, prophet, gazals of enlighten direction, as well as love lyrics of scenery character.

**Method of inquiry:** Analytical and comparative-typological methods are used in this work typological methods are used in this work.

**The results achieved and their novelty:** Artistic-systematic peculiarities of each group of gazals of Alisher Navoi, images symbols of gazals which mean secular love from outward side in subtext of enlighten character, artistic skill of poet as the source of expressing the highest aspiration of human soul were revealed. By means of studying correlation and harmony of sophical images with poetical figures.

**Practical value:** Materials of dissertation scientific conclusions can be used in scientific research works, for creating teaching aids and textbooks and for carrying out special courses on studying lyrics of Alisher Navoi in the system of high and secondary specialized.

**Degree of inculcation:** Main contents and conclusions of inquiry were stated in scientific articles, published in central republican journals, newspapers, as well as in scientific collections.

It is used for studying lyrics of Navoi in Tashkent state Pedagogical University in the faculty of Uzbek philology from 1998.

**Sphere usage:** Materials of dissertation can be used in teaching A.Navoi's lyrics for the students of higher and secondary-specialized educational establishments, as well as for creating monographs.

Подписано в печать 29.10.05.  
Формат 60x84 1/16. Объем 1,5 п.л.  
Тираж 100 экз. Заказ № 520.  
Тип. Оперативной полиграфии.